

## БУХОРО ТУРАР ЖОЙЛАРИНИНГ АРХИТЕКТУРАВИЙ-РЕЖАВИЙ ВА КОМПОЗИЦИОН ЭЧИМЛАРИ

**Юнусов Шокир Маматович**

*Бухоро Давлат Техника Университети “Муҳандислик” факултети,  
“Архитектура” кафедраси катта ўқитувчиси*

**Аннотация.** Ушбу мақолада Бухородаги қурилаётган ҳовли уйлариининг меъморий дизайни, шунингдек, Бухоро воҳасининг иссиқ ва жабирама иқлимининг турар-жой биноларига таъсири кўриб чиқилади. Тупроқнинг шоурангани ва воҳанинги иқлим шароитига таъсири ҳақида сўз боради.

**Калит сўзлар:** Бухоро, турар жойлар, эчимлар, бинолар, дизайн, меъморчилик

**Аннотация.** В статье рассматривается архитектурное формирование строящихся в Бухаре домов с дворами, а также влияние жаркого и знойного климата Бухарского оазиса на жилые постройки. Обсуждается воздействие засоленности почв и климатических условий оазиса на строительство жилых домов.

**Ключевые слова:** Бухара, жилые дома, решения, здания, дизайн, архитектура

**Annotation.** The article examines the compositional solutions of residential buildings in the Bukhara oasis, as well as the architectural and planning features of the rooms and auxiliary structures that complement them. It has been found that the rooms are mainly located around the perimeter of the courtyard, providing comfortable living conditions. The article also discusses issues related to the functional arrangement of rooms depending on their purpose.

**Keywords:** Bukhara, residences, solutions, buildings, design, architecture.

### **Кириш.**

Муҳтарам Президентимизнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси да “маҳалла – жамиятимизнинг ёруғ юзи ва виждони кўзгуси” десак, тўғри бўлади<sup>8</sup> деган сўзлари ўз навбатида Ўзбекистондаги анъанавий тураржойларни ўрганиш, уларни бугунги ҳолатини тадқиқ этиш ва қайта тиклаш усуллариини замонавий талаблардан келиб чиққан ҳолда такомиллаштириш нақадар долзарб эканлигини кўрсатиб турибди.

### **Асосий қисм**

Бухоро тураржойлар композицияси, асосан бир, икки ва уч ҳовлили ечимга эга бўлган. Ҳовлининг неча ҳовлили бўлиши, хонадон эгасининг ижтимоий келиб чиқиши, иқтисодий имконияти ва касбига қараб аниқланган. Бир ҳовлили

<sup>8</sup> <https://president.uz/uz/lists/view/4057>

турар-жой композицияси йиғиқ, ҳовлига, яъни марказга бўйсундирилган хоналар шодасидан иборат бўлган. Турар-жойнинг бир ёки икки қаватли бўлишидан қатъий назар, ҳамма хоналар ҳовлига қараган. Ушбу композицион режалаштириш “перестил” тархий ечимли уй дейилади. Ҳовли очик муҳит бўлишига қарамай, соя-салқинлаштирилган вақтда “яшаш хонаси” вазифасини бажарган. Чунки уй эгалари куннинг кўп вақтини ёпиқ хоналарда эмас, ҳовлида ўтказишган. Турар-жойнинг деворлари ташқи муҳитга ёпиқ деворлар билан чиққан. Шу пайтнинг ўзида кўшни деворлар ҳам ёпиқ деворлар билан чиқар экан, турар-жой биноларининг ташқи тарзи деярли бўлмаган. Фақат кўчага чиқадиган турар-жойларнинг тарзи бўлган, долон тагидан кириладиган турар-жойларнинг кўчага қараган тарзи деярли бўлмаган. Демак, турар-жойнинг хоналари жойлашуви ҳовли атрофида ва ҳовлига қараган бўлган.

Хоналар, асосан, ҳовли атрофида периметрал жойлашган. Хоналарни ҳовлига нисбатан бундай жойлашуви Хива турар-жойларида ҳам учрайди.

Икки ҳовлили турар-жойларда ҳовли эркаклар ва аёллар ҳовлисига бўлинган. Ҳовлиларнинг ҳар бири алоҳида мустақил ҳаёт кечирув организм бўлган. Шунинг учун композицион жиҳатдан йиғиқ, ҳовлига марказлашган композицияни ҳосил қилган.

Уч ҳовлили турар-жойларда учунчи ҳовли асосий иккита ҳовлидан анча кичик, хоналар сони камроқ бўлган. Учунчи ҳовли, асосан, ишлаб чиқариш учун ишлатилган, у ерда ёлланма ишчилар учун яшаш шароитлари яратилган. Ҳовлиларнинг жойлашуви кетма-кет жойлашган. Ҳовлиларга тағхоналар, дахлизлар орқали ўтилган. Тағхона алоҳида қават сифатида ишлаган.

Композиция нуқтаи назаридан олганда, усталар ишлатган бир неча асосий тизимларни ажратиб кўрсатиш мумкин. Бу тизимларнинг барчаси, уй эгасининг жамиятдаги ўрнидан келиб чиқиб қаралса, унинг иқтисодий аҳволини, талабларини, айрим қатлам ва синфлар вакилларининг турмуш тарзини очик ойдин кўрсатган. Яъни турар-жой тархининг намунали шакли бўлмаган. Ҳар бир турар-жой ўзига хос жиҳатлари бўлган. Фақат уй эгаларининг меҳнат фаолияти бир хил бўлган турар-жойларда айрим жиҳатлари ўхшаш бўлган.

Анъанавий турар-жойларнинг тарҳи, яъни хоналарнинг жойлашуви турли хил шароит ва кўп жиҳатларга боғлиқ бўлган. Авваламбор, усталар қурилиш ашёларини ҳисобга олганлар ўлчамлар, уйнинг кўчага нисбатан жойлашуви ва ҳ.з. Шу билан бирга уйнинг тарҳи ва ўзига хослигини хўжайиннинг талаб ва истаклари ҳал қилган. Унинг жамиятда тутган ўрни, касби, маблағининг ҳажми – буларнинг барчаси уйнинг тарҳига ва бинонинг кўринишига таъсир қилган.

1927 йилдаги “коллективизациялаштириш” жараёни анъанавий турар-жойларни дастлабки тархий ечимларининг ўзгартирилишига олиб келди.

Бухоро тураржойлари архитектуравий режавий ечимларини, Л.И.Ремпел куйидаги 7 турга бўлиб ўрганган [1];

*1. Oddiy хунармандларнинг турар уйлари,*

Ушбу турдаги ҳовлилар кичик ҳовлили бўлиб, ҳажмий режавий қисми, ичкари “дарун” ва устахона жойлашган ташқари “берун” ҳовлиларга бўлинган. Уларнинг орасида зарур бўлганда ишлатиш учун катта хона бўлган. Бу зарурлигига қараб ичкари ва ташқари ҳовлиларга хизмат қилган.

Дарунда фақат бадавлат хунармандларнинг қишки хонаси бўлган. Унинг ним айвони (кичик верандаси) ошхона ва омборхона вазифасини бажарадиган тор дахлиз билан ёпилган. Шундай қилиб, ҳовлининг барча тарафида 1 тадан, ҳаммаси бўлиб 3-4 та хона бўлган уларнинг орасида устунли айвон туташтирилган ва ҳовли бутун периметри бўйлаб ёпилган.

*2. Бой хунармандларнинг турар уйи.*

Бу турдаги тураржойларда берун ва дарунга бўлиниш жуда қатъийлик билан амалга оширилган. Турар-жой берун аксарият икки қаватли бўлиб, унинг пастки қаватда, айниқса, уй чеккада бўлса, (сайсхона) от хона бўлган, у ердан зинапоё орқали иккинчи қаватга чиқилган, иккинчи қаватда меҳмонлар хонаси бўлиб, поллари ғишт билан қопланган нимайвон жойлашган. Римайвон жуда маҳорат ва дид билан безатилган. Дарун қисми: (дахлиз), чулан (мадон), шимолга қараган ёзги хона, унга қарама қаршисидаги худди шу хизматларга эга бўлган қишки хона, ҳовлининг бошқа икки томонида ошхона ва узун айвон билан чегаралаган хоналардан иборат бўлган[2].

*3. Ганчкор устанинг турар жой уйи.*

Бу турдаги турар-жойнинг тарҳи иккинчи турдаги турар-жой тарҳидек, режалаштирилган. Бу эрда ташқари ва ичкари ҳовлилар бўлиб, кўчанинг фасад томони бўйлаб жойлашган. Ташқари ҳовлида айвон тагида сайсхона қилинган. Бурчакда ғишт билан қопланган юқори ҳовлига чиқадиган зина жойлашган. Юқорида жуда нозик дид билан безатилган меҳмонхона бўлиб,. Меҳмонхонанинг шифти тахтадан бажарилган, деворлари оқ ганчга ўйилган нақш билан қопланган.


Шу турдаги тураржойларда кескин фарқ қилмайдиган савдогарлар уйлари ва, айниқса, меҳмонхоналари Уста Ширин Муродов томонидан безатилган. Шу билан бир вақтда Бухоронинг иқлимида меҳмонхонани томга чиқариш ва юқорида ғишт билан қопланган ҳовли ташкил этиш амалдаги тажриба билан текширилган ва мақсадга мувофиқ бўлган ва тураржой қурилишларида фойдаланилган.

*4. Шаҳар четидаги бой хонадонли уйлар ,*

Бундай тураржойлар, оила ҳаётининг қулайлигини, пастки қаватдаги майдонлар ва чорва моллари учун хоналар, иккинчи қаватда эса меваларни қуритиш ва қовунларни сақлаш учун нимайвон ва хоналар бўлган (1-расм). Берун ҳовлисининг таркибига, дарунни биринчи қаватдаги қишки ва ёзги хоналар мажмуаси ва иккинчи қаватда уч томонли айван галереяси жамланган;



тўртинчи томондан икки қаватли баланд хоналар билан ёпилган. Иккинчи қаватда бу икки ҳовли ўртасида баъзан бутунлай изолясия қилинган тўрт эшикли хона бўлган. Унинг поллари тошлардан бўлган, нимайвон жойлашган. Чордара кўпинча боғларда жойлашган бўлиб, улар бир томони ичкарига, иккинчиси боғга қараган. Чордаралар яна аёллар галереяларига ҳам қараган, у ерда дон маҳсулотлари махсус кутиларда, қурилган мевалар эса ошхонада сақланган. Меҳмонхоналарга кўпинча мадон қўшиб қурилган. Сайсхона ҳам каттагина ўлчамларга эга бўлган. Ичкари ҳовли хоналар сони кўпайиши билан янада кенгроқ бўлган. Сайсхонанинг ёнида омборхона ва ўтинхона жойлашган, ошхонанинг ёнида рўғанхона<sup>9</sup> бўлган Ёзги хонанинг даҳлизи шохнишин<sup>10</sup> ли меҳмонхона кенглигида бўлган[69].



1-расм

##### 5. Шаҳар марказидаги турар-жой бинолари

Шаҳар марказидаги тураржойлар чекланган ҳудудларга эга бўлганлиги, шаҳар марказида ерларнинг етишмаслиги, сабабли, тураржойлар, асосан, баландликка қараб ривожланган. Бу ўртача бой савдогарлар уйлариининг бир типи бўлиб, Берун ва Дарунларга киришнинг иккала томонида бир жойда ёнма-ён жойлашган. Берун ҳовлисида жойлашган хоналар баъзида сайсхона, эшак хона вазифасини бажарган. Саҳнлар кўпинча баланд суфа (очиқ баландлик-терасса) кўринишда бўлган, унинг остида кенг подвал (тағхона) жойлашган. Зинапоялар орқали юқори суфада жойлашган меҳмонхонага кўтарилган. Меҳмонхонанинг ички интерери тоқчабандлик, ўймакорлик ва расмли безаклари билан ажралиб турган.

##### 6. Шаҳар марказидаги йирик бойнинг турар-жойлари.

Уй маҳобатли ҳисобланиб тураржой ва қабул қилиш хоналари ҳовлининг периметри бўйлаб безатилган икки қаватли бинолар билан ўраб олинган. Уйнинг олдинги қисмида (дарвозахона) ташкил этилган, у ерда илгари куллар тўпланиб, кейинчалик уй хизматчилари ва кичик ходимлар бўлган. Дарвозахонанинг орқасида - ғулом гард деб номланган қисм ёки девор; (кул

<sup>9</sup> Рўғанхона – ёғхона. Ёғларни сақлаш хонаси. Ошхона ёки тағхоналарга жойлаштирилган

<sup>10</sup> Меҳмонхоналарнинг тўр қисмига, пол марза белгисидан 10-15см.баланд қилиб қурилган тапчан(сўри)

қайт) билан чегараланган, бу шуни англатадики, қул бу девордан узоқроққа боришга ҳақли эмас, уйда махсус хизматчилар хизмат қилишган. Қуллар, экран ролини ўйнаган деворгача етиб боришлари мумкин бўлган. Ҳозирги вақтда ғуломгард, Бухоро Аркидаги кўриниш хона ҳовлисига кираверишдаги девор кўринишида сақланган. Берун(ташқи) ҳовлиси хоналари иккинчи қаватнинг баландлиги ҳисобига кўпроқ бўлган, айвонлар ҳовлининг меъморий доминантини ташкил этиб, берун(ташқи)га улуғворлик ва тантанаворликни берган. Аёлларнинг хоналари кичикроқ бўлган, лекин юқори даражадаги безаклар билан безатилган.

Айрим тарх ечимларида ташқари ва ичкари ҳовли тўғри бурчак остида қўшилган, уларнинг орасида, бурчакда сайсхона жойлашган. Турар-жойнинг иккита кириш эшиги бўлган, бири кўчадан ташқари ҳовлига ва иккинчиси сайсхонадан ҳовлига. Сайсхонадан долон орқали ичкари ҳовлига кириш, Сайсхона устидаги болохонага чиқиш мумкин бўлган.


#### *7. Эски ва янги маҳаллалардаги яҳудий бойларнинг турар жойлари,*

Эски маҳалланинг уйлари кичкина ҳудудларга, жой камлиги боис зич жойлашган ва шунинг учун ғайриоддий тарзда чўзилган. Яҳудий уйларида ер этишмаслиги сабабли, барча бинолар остида ижтимоий блок қурилмалари жойлаштирилган. Унинг ғишт билан ишланган текис томи уйнинг юқори ҳовлиси - "болои ҳовли" бўлиб хизмат қилган, қолган кичикроқ майдонни "Руи ҳовли" пастки қаватдаги ҳовли бўлиб, у ерда кўчадан "рах-рав", (кириш йўли), ёпиқ йўлак -"долон" орқали бажарилган. "Рўйи ҳовли"дан ғиштли зинапоя орқали, юқори ҳовлига ва биринчи қаватдаги хоналарга борилган.

Турар-жой маҳаллаларининг ҳудудлари қизил чизикларнинг тўлиқ йўқлиги хиёбонлар, йўлаклар ва тупик (боши берк)кўчаларнинг, ноқулай бурилишларини келтириб чиқарди. Шунга қарамай, маҳаллаларни ривожлантиришнинг барча ноқулайликлари билан, сув ҳавзалари (ҳовузлар)атрофида уй-жойларни квартал ичида жойлаштириш ғоясининг пайдо бўлиши катта эътиборга лойиқ бўлди[69].

Кўриб чиқилган тураржой турларнинг архитектуравий режавий композицияси, турли ҳажмий фазовий ечимларига эга бўлганлиги, аҳолининг яшаш турмуш тарзи, иқлим, диний муносабатлар орқали шаклланганлиги ўзига хос архитектуравий композиция асос бўлгани билан ифодаланади.

Ушбу уйлар яна Бухорода мавжуд бўлган бир нечта қадимги уй-жойлар: Тўрақулибой уйи, Абдуллабекнинг уйи (2-расм), Арабовлар уйлари ва ҳақозалар намуналаридан қурилиш хусусиятларини сақлаб қолиб, уй-жойлар қурилишининг тарихий шаклланишини ҳосил қилган.



2-расм

### Хулоса:

- тураржой турларнинг архитектуравий режавий композицияси, турли ҳажмий фазовий ечимларига эга бўлиб, тураржойларни қуришда устас-меъморлар тарх ва тарзлар ечимларини чизмалар асосида ишлаб чиқиб, қурилишга тақдим қилган.

- Анъанавий турар-жойларнинг тарҳи, яъни хоналарнинг жойлашуви турли хил шароит ва кўп жиҳатларга боғлиқ бўлганлиги аниқланиб, усталар қурилиш ашёларини ушбу жиҳатларга асосан ҳисобга олганлар.

- Эски шаҳар мавзесидаги, 19аср охири 20аср бошларидаги шаҳарсозлик, ҳозирги замонавий шаҳар қурилшини белгилаб берган

### Келтирилган атамалар:

- **Пахса** – пишитиб ишланиб, биров тиндирилган лойдан қурилган девор.
- **Чўпқори** – каркаси ёғоч материаллардан ишланиб, қаламалар орасига терилган ва панжақаш қилинган девор.

- **Панжакаш** – сомонли лойни деворга суваб панжа изларини қолдирилган сувоқ.

- **Тагхона** – хоналар остида жойлашган ертўла (подвальный этаж)

—

### Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ремпел Л.И. Архитектура старого Жуйбара. Архитектурное наследия Узбекистана. – Т.: изд. Академии наук Узб. 1960. – 172 стр

2. Юнусов Ш.М. диссертация “Бухоро воҳасида ҳовлили тураржойлар типология ва тенденцияси” Тошкент-2024й. 70-бет.

3. Писарчик А.К. «народная архитектура Самарканда» Душанбе-Дониш.

4. Херман Вембери. Бухоро ёхуд Моварауннахр тарихи. Тошкент Гофур Гулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти 1990
5. Axmedov M. Q. O'rta Osiyo me'morchiligi tarixi. T.: «O'zbekiston», 1995. –